

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ССП Ўзбекистондаги

барча йирик корхоналарни бирлаштиради

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири эълон қилинди.

Белгиланишича, Палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ҳамда ВМнинг «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (24.08.2016 йилдаги 275-сон) ҳўжалик юритувчи субъектларни таснифлаш мақсадида бошқа — кичик тадбиркорлик субъектлари тушунчаси қўлланилади. Уларга қуйидагилар қиради:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;
2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги: енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўртача йиллик сони — кўпи билан 200 киши;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўртача йиллик сони — кўпи билан 100 киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўртача йиллик сони — кўпи билан 50 киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (сугурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони — кўпи билан 25 киши бўлган кичик корхоналар.

Бундан ташқари, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва оилавий корхоналар ҳам кичик тадбиркорлик субъектларига тенглаштирилган.

ССПга ихтиёрий ва мажбурий аъзолик ҳақида сўз борганда тадбиркорлик субъектларини таснифлашнинг айнан юқорида баён этилган мезонлари назарда тутиляпти деб хулоса қилиш мумкин.

ССП кўпроқ ваколатга эга бўлди

Қонун билан Савдо-саноат палатасининг 6 та вазифаси, худди шунча фаолият йўналиши ва 26 та функцияси белгиланди. Улар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш, давлат органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрларни тайёрлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳаларига тааллуқлидир.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Палатага қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

➤ Вазирлар Маҳкамасига, вазирликларга, давлат кўмиталарига ва идораларга ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш масалалари юзасидан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки унинг ривожланишини чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар киритиш;

➤ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ва тадбиркорликнинг бошқа масалаларини муҳокама қилиш учун тадбиркорлик субъектлари иштирокида эксперт кенгашлирини тузиш;

➤ тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низоининг ҳал этилишини таъминлаш, шунингдек бозорларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва уларнинг мансабдор шахсларидан зарур маълумотлар, ҳужжатлар, материалларни ҳамда статистика маълумотларини сўраб олиш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

➤ тарафлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал этишни амалга ошириш;

➤ Палата аъзоларининг, шунингдек ўз манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

➤ жиноят ишлари бўйича иш юритишда тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

➤ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинганда тадбиркорлик субъекти номидан суд муҳокамасининг исталган босқичида иштирок этиш (иккала тараф Палата аъзолари бўлган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек даъво аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, шу жумладан назорат тартибда протест келтириш ҳақида илтимосномалар бериш;

➤ давлат активларини хусусийлаштириш, шу жумладан давлат мулки объектларини «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилиш, шунингдек давлат органлари функцияларининг ва давлат хизматларининг айрим турларини хусусий секторга ўтказиш, давлат-хусусий шериклигининг таъсирчан механизмлари жорий этиш тўғрисида таклифлар киритиш;

➤ ўз тузилмасида таълим муассасаларини ташкил этиш;

➤ Ўзбекистон Республикасида ва чет давлатларда ташкилотлар ташкил этиш, ўз ваколатхоналарини очиш;

➤ тадбиркорлик фаолияти субъектларига ихтироларни, фойдали моделларни, саноат намуналарини патентлашда, товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини ва товарлар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

➤ Ўзбекистон Республикасида ва унинг худудидан ташқарида кўргазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш;

➤ тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш;

➤ газеталар, журналлар ва бошқа босма материаллар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун ноширлик ҳамда реклама хизматлари кўрсатиш;

➤ халқаро ва чет эл ташкилотларида Палата аъзоларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ манфаатларини ифода этиш;

➤ тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

➤ иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шунингдек халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш;

➤ чет эллик шериклар мурожаат этган ҳолларда, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни тасдиқлаш;

➤ Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш;

➤ чет эл ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўмаклашиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.10.2018 йилдан кўчга қиради.





Марҳамат, 4 кун ичида сертификат оласиз!

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар олиб келадиган мол-мулкка сертификат 4 кунда расмийлаштириладиган бўлди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 18.07.2018 йилдаги 549-сон қарори билан Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинаётган мол-мулкни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган тузатишларда назарда тутилди.

Эслатиб ўтамиз, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар божхона ҳудудига олиб келадиган мол-мулк улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил давомида божхона божини тўлашдан озод қилинади, агар:

➤ мазкур корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улуши камида 33%ни ташкил этса;

➤ мол-мулк хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун божхона ҳудудига олиб келинса.

Имтиёзни қўллаш учун ушбу мол-мулкни эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш пайтида «Ўзбекэкспер-

тиза» АЖ томонидан берилган махсус сертификатга эга бўлиш зарур.

Юқорида кўрсатилган сертификатни расмийлаштириш жараёни тезлаштирилди ва соддалаштирилди.

Биринчидан, сертификат олиш учун аризани энди электрон тарзда тақдим этиш мумкин. Шуниси эътиборга лойиқки, аризага раҳбарнинг ёхуд ишлаб чиқариш учун масъул шахснинг имзоси ва ариза берувчининг муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар пакетини илова қилиш лозим. Бироқ ушбу ҳужжатларни электрон форматда ҳам тақдим этиш имконияти ҳақида аниқ қоидалар белгиланмаган.

Шикастланган купюралар: қайсилари тўлов учун яроқли

МБ Бошқарувининг қарори (АВ томонидан 29.06.2018 йилда 3029-сон билан рўйхатдан ўтказилган) валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш чоғида банкноталар муомалага яроқли ёки яроқсиз деб ҳисобланишига сабабчи бўладиган шикастланишларнинг тузатиш киритилган рўйхати тақдим этилди.

Шундай қилиб, банклар қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган купюраларни қабул қилишни рад эта олмайдилар:

➤ банкнота тасвирини (шақлини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган;

➤ банкнота энининг (бўйининг) 1/4 қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлган;

➤ ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари 1 кв.см дан ошмаган ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлари аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлган;

➤ банкноталарнинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва ҳимоя белгиларидан бирининг 50 %идан ортигини тўсиб қўймайдиган майда доғлар, икки донадан ошмаган ёзувлар ва штамп изи бўлган (банкнота муомаладан чиқарилганлиги, сохталлиги

ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар бундан мустасно);

➤ диаметри 1 мм дан ошмаган ва иккитадан кўп бўлган тешиklar бўлган.

Бу – муҳим! Банклар бундай купюраларни миллий валютага айирбошлаш, шу турдаги шикастланмаган купюраларга алмаштириш, майдалаш, йиритиш, конверсия операцияларини амалга ошириш учун қабул қилишлари шарт. Кўрсатилган операциялар, шу жумладан, яроқсиз банкноталарни иккасога қабул қилиш учун тижорат банклари томонидан воситачилик ҳақлари ундирилади.

Қуйидаги ҳолларда банкнота муомалага яроқсиз ҳисобланади:

➤ бўлақларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса;

Битта шартнома доирасида айнан бир хил товарларнинг доимий олиб ўтилиши қандай декларацияланади

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 5.07.2018 йилда 3037-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бир ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил товарларнинг божхона расмийлаштирувини даврий БЮД тақдим қилиш йўли билан амалга ошириш тартиби тасдиқланди.

Даврий божхона юк декларацияси бир хил товарлар бир шартнома (қилишув, битим) асосида айни бир шахс томонидан доимий (60 календарь кун ичида бир мартадан кўп марта) олиб ўтилганда расмийлаштирилади.

Айнан бир хил товарлар дейилганда ишлаб чиқарилган мамлакат, физик хусусиятлари, сифати, ишлаб чиқарувчиси ва ТИФ ТН бўйича товар коднинг ўн та белгилари даражаси бир хил бўлган товарлар тушунилади.

Божхона расмийлаштируви 2 босқичда амалга оширилади:

➤ **I босқичда** даврий БЮД расмийлаштирилади. У билан бирга божхона расмийлаштируви учун товар ва транспорт воситаси кузатув ҳужжатлари деклара-

циялаётган шахсга тегишли ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Божхона органининг мансабдор шахси томонидан барча олинган маълумотлар Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (ЯАТ) юкланади ва рўйхатдан ўтказилади. Мазкур ҳаракатлар якунлангандан сўнг, шу жумладан божхона кузатувчи ўтказилгандан кейин товар ваколатга эга бўлган шахснинг ихтиёрига берилади.

Даврий БЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 6.04.2016 йилда 2773-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ тўлдирилади.

➤ **II босқичда** божхона чегарасидан тўлиқ ёки қисман олиб ўтилган товарларга тўлиқ БЮД тўл-

Энди сертификатнинг ўзи ҳам экспертизадан ўтказилиб, «Ягона дарча» бирхиллаштирилган божхона ахборот тизимида киритилгандан кейин электрон шаклда расмийлаштирилади. Бироқ ариза берувчи ҳужжатнинг қоғоз шақлини талаб қилса, унга нусхаси қоғозга чиқариб берилади.

Ариза берувчининг олдин берилган сертификатга ўзгартириш (шу жумладан амал қилиш муддатини узайтириш) ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги асосланган мурожаати, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчаларнинг ўзи ҳам электрон шаклда бўлади.

Иккинчидан, сертификат олиш учун берилган ариза 4 иш куни (илгари – 5 иш куни) мобайнида кўриб чиқилади, қўшимча маълумотлар олиш зарур бўлса, муддат 6 иш кунигача (илгари – 10 иш кунигача) узайтирилади.

Олдин берилган сертификатга ўзгартириш ва қўшимчаларни расмийлаштириш муддати 5 иш кунидан 4 иш кунигача қисқартирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.07.2018 йилдан кучга кирди.

➤ банкнота геометрик ўлчами 3 мм ва ундан ортиқча ўзгарган бўлса;

➤ банкнота тасвири (суратини, портретини, шақлини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;

➤ банкноталар ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган бўлса;

➤ дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;

➤ ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса;

➤ тўлов воситаси эканлигини қўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50%идан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса;

➤ банкнота кимёвий реактивлар таъсири бўлса;

➤ муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, химоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;

➤ аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки химоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.07.2018 йилдан кучга кирди.

дирилади. У даврий БЮД расмийлаштирилган санадан 60 календарь кундан ошмаган муддатда тақдим этилади.

Бунда божхона тўловлари суммасини ҳисоблаш учун даврий БЮД қабул қилинган кунда амалда бўлган ставкалар ва валюталар курси қўлланилади.

Эътибор қилинг! Бир ташқи савдо шартномаси бўйича ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига мансуб, озон қатлами бузувчи ва таркибидан унинг маҳсулотлари бўлган объектларни божхона чегарасидан олиб ўтишга карантин рухсатномалари, шунингдек ветеринария, экология ҳамда бошқа сертификатлар ва рухсатномалар 1 календарь йил давомида бир марта берилишига рухсат этилган.

Шунингдек эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 июлидан бир ташқи савдо шартномаси доирасида олиб қилинадиган маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби жорий қилинган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.07.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Лена Хикматова, «Норма» МЧЖ экспертлари.

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2-бетлар
- **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
– «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва са-

- марадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».
- Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 16 июндан 29 июнгача бўлган маълумот
3-4-бетлар
- **ҲУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Қўлингиздаги карта
5-бет

- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Хориждаги филиал қандай ёпилади
– «Янги рўйхатдан ўтган» учун имтиёз
– Ишнинг фойдасини қўлаб
– Чекловларни бартараф этган маъқул
– Тендер ўтказиш керакми?
– Кичик ҳажмли кемага нотариус нимага керак?
6-7-бетлар

- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан бахтиёрман
– Мерос расмийлаштирилгандан сўнг
– Эгасининг ҳуқуқи
– Фақат даъво аризасига кўра
8-бет



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

— «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 16 ИЮНДАН 29 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланадиган дастурларни амалга ошириш, бўш ва қўлланмаданган иш ўринларида ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тadbirkorлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорига ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган oilалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари ҳал этилмаётган.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тadbirkorлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигига қўлмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда қасбга тайёрланмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорига айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатишмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг меҳнат фаоллигига жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тadbirkorлик субъектлари фаоллигини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «Йўл харитаси» иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда Бандликка қўмаклашиш жамғармаси деб юритилади) учун 2018 йилда Республика бюджетига қўшимча тушумлар ҳисобига 150 миллиард сўм ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилади;

2018 йил 15 июндан бошлаб Меҳнат органлари ходимларининг меҳнати рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Меҳнатни рағбатлантириш жамғармаси) маблағларини шакллантириш манбалари Бандликка қўмаклашиш жамғармасининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалари ҳажмларининг 5 фоиздан 10 фоизгача оширилиши ҳисобига кенгайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг бўш қолдиқларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан тушадиган 50 фоиз миқдордаги даромадлар Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларини (кейинги ўринларда – ҳудудий жамғармалар) ташкил этиш тўғрисидаги тақдирга розилик берилсин.

Қўйидагилар ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалар этиб белгилансин:

Қўрақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар;

маҳаллий, ҳорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда бегараз ёрдами;

хайрия қилувчилар – jisмоний ва юридик шахслар, Ўзбе-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 17.07.2018 йилда расман эълон қилинган.

**Қарорга илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

кистон Республикаси резидентлари ва нerezидентларининг белгиланган тартибда таъдим этиладиган маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан таъқилланмаган бошқа манбалар.

4. Қўйидагилар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

айниқса, қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этуви таъдиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очил;

ишчи кучи қўп бўлган ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида, айнқса, аҳолининг ижтимоий эътиҳаманд қатламлари учун янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи корхоналарни ташкил этиш, бунда ҳудудий жамғармаларнинг ташкил этилган корхоналардаги улущини хусусий шерикларга кейинчалик реализация қилиш шартини назарда тутиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари бўйича иш ўринлари ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бошқа чора-таъдирларни амалга ошириш.

5. Ҳудудий жамғармалар даромад қисми бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифаларини амалга оширишга йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудий жамғарманинг намунавий устави таъдиқла-нишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудий жамғармалар усталларини таъдиқланган намунавий устав асосида таъдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) ушбу қарорнинг 2 ва 3-бандларига мувофиқ шакллан-тириладиган Бандликка қўмаклашиш жамғармасига Республика бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи ва ҳудудий жамғармаларнинг маблағлари асосан, «Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва Халқ банки АТБда кредит линияларини очиб ва кейинчалик маъзур банклар томонидан республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун микрокредитлар ажратиш мақсадида йўналтирилади;

б) микрокредитлар кичик таъдиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон ҳўжаликларида, оилавий таъдиркорлик субъектларига қўйидагилар учун ажратилади:

шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжаликларида ишлаб чиқариш-ни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этиш, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ ҳўжалиги инвентари ва ускуналари, сўғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқалар) харид қилиш; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадқоқлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва нооziқ-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун замонавий мини-ускуна ва хом ашё харид қилиш;

хизмат кўрсатиш соҳасида, айнқса, маиший, таъмирлаш, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар ташкил этиш ва яхшироқлаш;

қишлоқ туманларида, айнқса, хотин-қизлар ўртасида касаначиликни ривожлантириш;

туман ва шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашувини, мавжуд минерал хом ашё, ер, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бошқа йўналишлар;

в) микрокредитлар энг кам иш ҳўқининг 500 бараварига-

ча бўлган миқдорда 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi фoиз ставкаси, шу жумладан, тижорат банкининг ажратиладиган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдоридagi маржа билан таъдим этилади.

Бунда микрокредитлар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оила-ларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий эътиҳаманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳўқининг 100 ба-равари миқдоридан ошмаган ҳажмда ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабат-лари вазирлиги маънафатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда маъзур банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбосида назарда тутилган микрокредитларни ажратиш тартибини таъдиқласин.

7. Белгилансинки:

қишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан қўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошхона хизматлари-ни, яқка тартибдagi бюртомалар бўйича кийим тикиш хизмат-ларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган яқка тартибдagi таъдиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилади;

яқка тартибдagi таъдиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилади;

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий таъдиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаё-қатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий таъдиркорлик субъекти ишти-рокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли;

ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ биринчи марта микрокредит олган яқка тартибдagi таъдиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

яқка тартибдagi таъдиркорлар 3 тоннадан ортиқ юк қўта-рувчи автомобиль транспортда юкларни энг кам иш ҳўқининг 2 баравари миқдоридagi ставка бўйича ташиш хизматларини ҳар ойда олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муноса-батлари вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил 1 августдан бошлаб Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳи-собига қўйидагиларга бир марталик субсидиялар берилишини назарда тутадиган ишсизлик бўйича суғурталаш тизимини жорий этсин:

аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ва таъдиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи ишсиз шахсларга яқка тартибдagi таъдиркор сифатида рўй-хатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун харажатларни энг кам иш ҳўқининг 2 баравари миқдорда тўлаш;

аҳолининг ижтимоий эътиҳаманд қатламларига мансуб шахсларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни захираланган (қоталанган) энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир қабул қилинган ходим учун ҳар ойда энг кам иш ҳўқининг 2 баравари миқдорда тўлаш. Бунда ишга қабул қилинган маъзур тоифадagi шахслар-нинг бандлигини энг кам сон (қвота) олган санадан бошлаб камида 12 ой давомида сақлаш шарти назарда тутилади;

иш берувчиларга – аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мансуб ходимларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни касбга қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштиришга ҳар бир ходим учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдориди тўлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни, айниқса, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан касб-ҳунар таълими муассасаларига грантлар ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида катта синф ўқувчилари учун улар эгаллашган хоҳлаган касбларнинг асосий хусусиятлари ва касб стандартларини таърифловчи мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ситуация хоналари ташкил этган ҳолда касбга йўналтириш курсларини ўтказишни назарда тутадиган касбга йўналтириш дастурини жорий этиш масаласи ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг тасдиқловчи маълумотлари ва фуқароларнинг аризалари асосида шахсий томорча хўжаликларидида ишловчи фуқароларни банд бўлган шахс сифатида ҳисобга олиш механизми жорий этилишини;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Республикасининг молия вазири Ж.А.Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д.Қудбиев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 июль
ПҚ-3856-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI VAZIRLIKLAR, DAVLAT QUMITALARI VA IDORALARINING NORMATIV-HUQUQIY Hужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 16 июндан 29 июнгача бўлган маълумотни маълум қилади

I. DAVLAT RUYKHATIDAN OTKAZILDI:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 01-02/12-42-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, **рўйхат рақами 2460-1.**

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 2418-4.**

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 июндаги 6-сон «Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 2521-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июндаги 18-52-сон «Юридик шахсларнинг йирик солиқ тўловчиларига тоифасига қиритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 3023.**

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 майдаги 25-қ, 01/15-10/12-сон «Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 3024.**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 97, 1811, 2018-44-сон «Қўшилган қиймат солигидан озод этиладиган

молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 2460-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 31, 45-сон «Гиёҳ-вандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низоми»нинг 1-бандига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 1048-2.**

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 4-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 99-иловасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 2956-3.**

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 14 июндаги 102, 200-В-2-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа қимматли маҳсулотлари учун қимматли корхоналарнинг қишлоқ хўжалик корхоналари билан хисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, **рўйхат рақами 1049-2.**

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 331-мқ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пойтахтларини тайёрлаб, юридик-техник расмийлаштириш ва

хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-5.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 01-02/13-37-сон «Божхона қўм декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 19, 8-2018-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлимларида яқиний давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3025.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 15 майдаги 135-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четта чиқиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3026.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруvinинг 2018 йил 19 июндаги 103, 19/4-сон «Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар – қарздорларнинг Ўзбекистон Республикаси қаролати бажарилган қарзларининг ҳисоби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1276-1.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 27 июндаги 336-мҳ-сон «Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан адлия органига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3027.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Давлат эҳтиёллари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришга етказиб берилган минерал ўғитлар ва бошқа қимм маҳсулотлари учун қимм саноати қорхоналарининг қишлоқ ҳўжалик қорхоналари билан ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1049, 2001 йил 16 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1049-1, 2009 йил 23 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 23 июндаги 330-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруvinинг «Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар – қарздорларнинг Ўзбекистон Республикаси қаролати бажарилган қарзларининг ҳисоби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1278, 2003 йил 25 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 июндаги 335-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2852, 2016 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 июндаги 336-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 25 июндаги 2018-55, 6, 08/24-сон «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъйини бўйича давлат хизматлари қўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955-1.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 28 апрелдаги 16/20-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-7.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 28 апрелдаги 16/8-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2944-1.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029.

ривожлантириш вазирлигининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъйини бўйича давлат хизматлари қўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2955, 2017 йил 11 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 июндаги 337-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 26 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1831-1, 2009 йил 10 июль), (рўйхат рақами 1831-2, 2011 йил 21 июль), (рўйхат рақами 1831-3, 2011 йил 6 ноябрь), (рўйхат рақами 1831-4, 2017 йил 14 июнь), (рўйхат рақами 1831-5, 2017 йил 9 август), (рўйхат рақами 1831-6, 2017 йил 7 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 июндаги 338-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2944, 2017 йил 6 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 июндаги 340-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ваёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилади.

Қўлингиздаги карта

Амалиётда юридик шахслар ҳисоб-китобларда корпоратив банк карталарини тобора фаол қўлламоқдалар. Улар корхоналарнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларни тўлашнинг қулай ва ишончли усули ҳисобланади. Бироқ табиий савол туғилади: юридик шахс вакили қандай асосга кўра корхонанинг корпоратив картасини тасарруф этишга ҳақли? Унга ишончнома керакми?

Таърифига кўра корпоратив банк картаси (КБК) — уни сақловчисига нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси. **Корпоратив банк картасининг сақловчиси** юридик шахс ва эмитент банк ўртасидаги шартнома асосида ундан фойдаланувчи юридик шахс ёки у ваколат берган шахс ҳисобланади (*АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди «а», «б» кичик бандлари*).

Корхона КБК сақловчисини қуйидаги иккита усулдан бири ёрдамида белгилаши мумкин:

1. Юридик шахснинг ўзини кўрсатиш. Тегишнча, КБКнинг олд томонида унинг расмий (фирма) номи кўрсатилади.

Бу ҳолда корхона фақат **у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ўз ходимига** КБК сақловчиси сифатида ваколат бериши мумкин (*1470-сон Низомнинг 1-банди «б» кичик банди*).

Банк картасидан сақловчини хабардор этмай фойдаланиш мумкин эмас (*АВ томонидан 30.04.2004 йилда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2-банди*). Бунда жисмоний шахснинг шахсий банк картасидан муайян маҳсус ҳужжатсиз бошқа шахслар (унинг оила аъзолари, дўстлари ва б.) фойдаланиши мумкин бўлса, корпоратив картадан фақат юридик шахснинг **ваколатли** ходими фойдалана олади (*1344-сон Низомнинг 7-банди*). Яъни ходимнинг уни тасарруф этиш ваколатлари белгиланган бўлиши лозим. Бунинг учун ходимга ФКнинг 134, 138-моддаларига мувофиқ картадан фойдаланиш учун **ишончнома** берилиши зарур.

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Унда ходимнинг КБКдан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиши қайд этилиши мумкин. *Масалан, унинг ёрдамида фақат ёзув-чизув молларини харид қилиш, телефон алоқаси, Интернет ҳақини тўлаш ва ҳ.к. учун ишониб топширилиши мумкин.* Ёки ойлик (бошқа муддат) муайян сумма лимитини белгилаш мумкин, бунда ходим ундан ортиқ корхона харажатларини КБК воситасида тўлашга ҳақли бўлмайди. Ёхуд ходимга корхона фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш ишониб топширилиши мумкин.

Бинобарин, ходимнинг картадан фойдаланиш ваколатлари доирасини ишончномада белгилаш мумкин бўлади.

Амалиётда савдо ва сервис корхоналарининг кўпчилиги ишончнома талаб этмайди. Ходим бирон-бир ҳужжатни тақдим этмай, товар ёки хизмат ҳақини корпоратив карта воситасида тўлаши улар учун кифоя қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда 1470, 1344-сон низомларга ўзгартиришлар киритиш ва харид суммасига қараб ишончномани мажбурий тақдим этиш ҳолларини чеклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. *Масалан, харидор ЭКИХнинг 25 (ёки 30, 40, 50) бараваридан ортиқ суммадаги товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш ҳолларидан ташқари, ишончнома тақдим этиши керак эмаслигини белгилаш мумкин.*

Шуни қайд этиб ўтамизки, корхона директори КБКни ишончномасиз тасарруф этиши мумкин. Бу раҳбар (директор) юридик шахс номидан ишончномасиз иш кўриши қайд этилган умумий норма билан боғлиқ (*«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси; «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси; «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддаси ва ҳ.к.*).

Шахс корхона директори эканлигини тасдиқлаш учун хизмат гувоҳномасини тақдим этиши мумкин. КБКни тасарруф этувчи ходим ўз шахсини паспорт ёки шахсни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа ҳужжат (ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ҳ.к.) билан тасдиқлаши мумкин.

2. Юридик шахснинг ёзма илтимосига кўра корпоратив банк картасини сақловчи сифатида юридик шахснинг ходими кўрсатилади (*1470-сон Низомнинг 2-банди*). КБКнинг олд томонида унинг фамилияси, исми-шарифи қайд этилади.

Бу ҳолда ходимга алоҳида ишончнома бериш керак эмас. Сабаби корхона корпоратив картани

тасарруф этадиган аниқ ходимни аввалбошдан белгиланган бўлади. Шахс айнан ўша сақловчи эканлигини тасдиқлаш зарур бўлганда паспорт, хизмат гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бироқ иккала ҳолатда ҳам ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш зарур, сабаби уларга корхонанинг пул маблағлари ишониб топширилмоқда. Шартномаларни фақат 18 ёшга тўлган ходимлар билан тузиш мумкин (*МКнинг 203-моддаси*).

КБК орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварағини очган юридик шахс зиммасида бўлади (*1470-сон Низомнинг 13-банди*). Бу корхона корпоратив карта сақловчисини танлаш ва юридик шахснинг КБКдан фойдаланувчи ходимнинг ваколатларини белгилаш масаласига масъулият билан ёндашиши зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Барча харажатларни тўлашни ишониб топшириш ҳуқуқи билан КБКдан фойдаланишга ишончнома намунаси.

ИШОНЧНОМА

Тошкент ш.

Икки минг ўн саккизинчи йил тўртинчи июнь

Мазкур ишончнома билан Устав асосида иш кўрувчи Собиров К.Н. (*бундан кейин матнда — Ишонч билдирувчи*) тимсолида «N» МЧЖ (*бундан кейин матнда — Жамият*) Абдуллаев Нодир Бекзодовичга, паспорт серияси AA N 000000 Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ИИБ томонидан 10.10.2013 йилда берилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Дўстлик кўчаси, 20-уйда яшовчи (*бундан кейин матнда — Ишончли вакил*) қуйидаги ҳуқуқларни беради.

1. Ишонч билдирувчининг «Ипак йўли» АИТБда (*бундан кейин матнда — Банк*) очилган N 12345678900000012345 счётидаги пул маблағларидан Жамият фаолияти билан боғлиқ харажатларни товарларни сотувчи ва хизматларни кўрсатувчи корхоналарда тўлаш, шу жумладан давлат божлари ва йиғимларини тўлаш учун тасарруф этиш.

2. Корпоратив банк картасидан фойдаланиб карта счётидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ахборотни (рўйхати ва суммаси) Банкдан сўраш ва олиш.

3. Қуйидаги аризаларни имзолаш ва Банкка тақдим этиш:

корпоратив банк картасини блоктировкалаш учун;
корпоратив банк картасини блоктировкадан чиқариш учун (Банкка корпоратив банк картасини блоктировкалаш учун аризани бевосита Ишончли вакил тақдим этган ҳолларда);
корпоратив банк картасидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар юзасидан низолашиш тўғрисида.

Мазкур ишончноманинг амал қилиш муддати — икки минг ўн саккизинчи йил ўттиз биринчи декабрча (ўттиз биринчи декабрь ҳам қиради).

Ишончли вакилнинг имзо намунасини тасдиқлайман.

Ишончли вакилнинг имзо намунаси _____ / _____
(Ишончли вакилнинг Ф.И.О. тўлиқ кўрсатилади)

Ишончнома қайта ишониб топшириш ҳуқуқисиз берилди.

(Ишонч билдирувчининг лавозими, имзоси, имзо расшифровкаси)

М.Ў. (мавжуд бўлганда)

Мазкур ҳужжат _____ арақда тузилди.

Хориждаги филиал қандай ёпилади

Биз Қозоғистон Республикасида уларнинг қонунчилигига мувофиқ филиал (савдо уйи) очганимиз. Ҳозир бизнинг МЧЖ муассиси (ЎЗР) савдо уйини ёпмоқчи.

МЧЖ филиали – Қозоғистондаги савдо уйини тугатиш тартиби қандай?

Е.Ҳафизова, бош бухгалтер.

– МЧЖнинг хориждаги филиали фаолиятини тугатиш тартиби филиал рўйхатдан ўтказилган мамлакат қонунчилиги билан тартибга солинади.

Мурожаатингизга қараганда, МЧЖ Қозоғистон ҳудудидаги филиални белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказган. Шу сабабли бундай филиални тугатиш (рўйхатдаги ҳисобдан чиқариш) масалаларни ҳам Қозоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Жамият филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни МЧЖ муассиси (муассислари) қабул қилади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси). Тегишинча, филиални ёпиш тўғрисидаги қарорни ҳам у қабул қилиши керак. Шу тариқа, савдо уйини ёпиш учун сизда Қозоғистон Республикаси ҳудудидаги филиал фаолиятини тўхтатиш тўғрисида иш-

тирокчининг қарори (иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомаси) бўлиши лозим.

Юридик шахсларнинг Қозоғистон ҳудудидаги филиаллари ҳисобга олиниши керак.

Филиални рўйхатдаги ҳисобдан чиқариш учун Қозоғистон Республикасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда филиал ва ваколатхоналарни рўйхатдаги ҳисобга олиш бўйича йўриқномага (ҚР АВнинг 12.04.2004 йилдаги 112-сон буйруғи билан тасдиқланган) амал қилиш зарур.

Филиал Қозоғистонда рўйхатдаги ҳисобдан чиқарилганидан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлигига мурожаат қилиб, филиал ҳисобдан чиқарилганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш зарур (АВ томонидан 17.05.2013 йилда 2457-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 12-банди).

«Янги рўйхатдан ўтган» учун имтиёз

Якка тартибдаги тадбиркор 2013 йилда ўз фаолиятини тўхтатди. Ҳозир уни яна бошлаш ниятида.

4.12.2014 йилдаги ЎРҚ-379-сон Қонунга мувофиқ, янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан ошпаёв тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайди. «Янги» деганда нимани тушуниш керак – ҳаётда биринчи марта деганими ёки Қонун кучга кирганидан кейин биринчи мартами?

2018 йилда биринчи марта рўйхатдан ўтган ЯТТ ушбу имтиёздан фойдалана оладими?

Я.Солиқов, бухгалтер.

– Ҳа, 4.12.2014 йилдаги ЎРҚ-379-сон Қонун кучга кирганидан, яъни 2015 йил 1 январдан кейин рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар имтиёздан фойдалана олади.

Қонун билан Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган қўшимчалар янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорларга ЯТТ сифатида давлат рўйхатидан ўтган ойдан кейинги ойдан бошлаб қатъий белгиланган солиқни тўлаш имконини бериб, уни тўлаш тартибига аниқлик киритди.

«Янги рўйхатдан ўтган» атамасини «яна, яқинда, энди рўйхатдан ўтган» деб тушуниш лозим. «Биринчи марта рўйхатдан ўтган» нормасини белгилаш зарурати мавжуд бўлганда Солиқ кодексига киритилган қўшимчалар матни қу-

йдагича баён этилган бўлар эди: «Илк бор рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқни ... тўлайди».

Рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига бу тўғрида ёзувлар қайд этилгандан кейин якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади (27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сон қарор билан тасдиқланган Низомнинг 6-банди).

Қонун ҳужжатларида якка тартибдаги тадбиркор сифатидаги фаолиятни тўхтатиш ва давлат рўйхатидан ўтиш

йўли билан кейинчалик уни тиклаш таомилларини амалга ошириш имконияти чекланмаганлиги сабабли сизни янги рўйхатдан ўтган ЯТТ деб эътироф этади.



«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида шартномаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги тўғрисида юридик хизматнинг хулосаси талаб этилади.

Бундай хулоса йўқлиги учун қандай жавобгарлик чораси назарда тутилган?

М.Горайнова, бош бухгалтер.

Ишнинг фойдасини кўзлаб

– Қонун ҳужжатларида хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган.

Бироқ биз хўжалик шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишга тайёрлаш учун мутахассисларни (штардаги юристлар ёки жалб этилган

адвокатларни) жалб этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Юрист ҳужжатнинг қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлишини таъминлайди, шартномани бажариш билан боғлиқ таваккалчиликларни оптималлаштиришда кўмаклашади, шартнома томонларининг манфаатларини инобатга олади, у лозим даражада бажарилмаган ҳолда мутаносиб жавобгарликни белгилайди.

Чекловларни бартараф этган маъқул

Президентнинг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, мисли кўрилмаган эркинликлардан ташқари, тадбиркорлик субъектлари – электрон тижорат иштирокчилари Электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилганда ягона солиқ тўловини 2%лик ставкада тўлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу тариқа, интернет савдоси янада ривожланиши йўлидаги кўплаб тўсиқлар олиб ташланди.

Кўпгина интернет-дўконлар воситачилик шартномалари бўйича қабул қилинган товарларни сотиш истагини билдирадилар. Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларининг (ВМнинг 2.06.2016 йилдаги 185-сон қарорига 1-илова) 3-бандига мувофиқ, уларнинг Ўлгури ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган) ҳамда Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари (ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова) талабларига риоя этишларига тўғри келади.

Чакана савдо қоидаларининг 145-бандида воситачилик савдосига қабул қилинмайдиган товарлар рўйхати берилган. Унга қуйидагилар кирди:

- қайтарилмайдиган ёки бошқа ўлчам, шакл, габарит, модель, ранг ёки комплектациядаги ана шундай товарга алмаштирилмайдиган товарлар;
- профилактикага ва касалликларни уй шароитида даволашга мўлжалланган товарлар;
- шахсий гигиена буюмлари;
- пардоз-андоз товарлари;
- тикув ва трикотаж ич кийимлари, пайпоқлар;
- озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда ишлатилган полимер материаллардан ясалган, шу жумладан



бир марта фойдаланиш учун мўлжалланган буюмлар ва материаллар;

- фойдаланилган буюмлар ва материаллар;
- маиший кимё товарлари;
- дори воситалари.

Қонун чиқарувчи кўрсатилган талабни белгилаётганда нималарга таянган?

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун нуктаи назаридан товарнинг нуқсонларини бартараф этиш (уни алмаштириш) мажбурияти товарни сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи зиммасида бўлади (14-модда). Нуқсонли товар, сотувчида қандай «мақомда» бўлишига қарамай, алмаштириб берилиши керак.

Воситачилик шартномаси бўйича чакана савдога келиб тушган товар (маҳсулот), устав капиталига ҳисса сифатида киритилган, кейинчалик чакана савдода қайта сотиш мақсадида олди-сотди, товарни қарзга олиш шартномалари бўйича сотиб олинган товар сингари, ўз хоссалари ва сифатларини йўқотмайди. Шу сабабли воситачилик товарини келгусида сотишга чекловлар белгилаш зарурати йўқ.

Ушбу эскирган нормалар бизнесни ривожлантириш замонавий талабларига жавоб бермайдиган нормалар сифатида бекор қилиниши керак деб ҳисоблаймиз.

Тендер ўтказиш керакми?

Тендер якунлари бўйича буюртмачи танлаган қурилиш ишлари пудратчиси барча ишларни ўз кучи билан бажара олмайди, унга ёрдамчи пудратчилар зарур.

Бунинг учун тендер ўтказиш керакми?

Ю.Комарова, бош бухгалтер.

— Давлат буюртмачилари: бюджет (давлат органлари, бюджет ташкилотлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирила-диган бюджет маблағларини олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари) ва корпоратив буюртмачилар (давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши 50% ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг 50%и ва ундан ортиги 50% ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар) томонидан тендер ўтказилаётганда («Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси) махсус ахборот порталида қуйидаги ахборот жойлаштирилади:

- товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;
- тендер ўтказиладиган жой манзили;
- тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

➤ давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили;

➤ тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун сўров бериш шакли;

➤ таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

➤ тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар (Қонуннинг 61-моддаси).

Пудратчи тендерда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этади, улар харид комиссияси томонидан баҳоланади. Тендер ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб деб топилади (Қонуннинг 63, 64-моддалари).

Тендер натижалари бўйича шартнома тендер ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади (Қонуннинг 65-моддаси).

Буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузилган шартнома белгиланган ишларнинг бир қисmini бажарувчи шахс ёрдамчи пудратчи деб тан олинади. Агар қонун



ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисmini бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади (ФКнинг 634-моддаси 1-қисми).

Тендер ҳужжатлари ва тузилган шартномада тендер ғолиби ишларни шахсан ўзи бажариши талаб этилмаса, уларни бажаришга учинчи шахсларни жалб этишга ҳақли бўлади.

Агар хусусий корхона буюртмачи — тендер ташкилотчиси бўлса, ёрдамчи пудратчиларни ишларнинг бир қисmini бажаришга жалб этиш масаласи бевосита тендер ҳужжатлари ва тендер ғолиби билан тузилган шартномада акс эттирилган бўлиши керак.

Кичик ҳажмли кемага нотариус нимага керак?

Президентнинг 21.04.2017 йилдаги ПҚ-2915-сон қарори билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Кичик ўлчамли кемалар давлат инспекцияси Фавқуллода вазиятлар вазирлиги тасарруфига топширилди. 2018 йил февралда Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари (АВ томонидан 6.02.2018 йилда 2967-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кучга кирди.

Кичик ҳажмли кема, мисол учун, жисмоний шахс томонидан бошқа жисмоний шахсдан олди-сотди (ҳадя) шартномаси расмийлаштирилиб сотиб олинган, уни қайта рўйхатдан ўтказиш учун ФВВга Қоидаларда назарда тутилган ҳужжатлар рўйхати билан бир қаторда олди-сотди (ҳадя) шартномасини ҳам тақдим этиш керак.

Амалиётда ФВВнинг айрим ваколатли ходимлари унинг янги эгасидан жисмоний шахслар ўртасида тузилган нотариал тасдиқланган шартномани талаб қиладилар. Регистраторлар тўғри хатти-ҳаракат қилаётганликларини исботлаш учун қуйидаги «далилларни» келтирадилар:

➤ автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариал тасдиқлашни талаб этади;

➤ шартнома тарафларининг имзолари ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун нотариус муҳри бўлиши керак;

➤ қайта рўйхатдан ўтказиш амалиёти ана шундай.

ФВВ ходимларининг вазирлиги тақдир қиламиз.

Автотранспорт воситалари — йўловчилар, багаж, юklar ташишга ҳамда махсус мўлжалланган сузиш воситаси (АВ томонидан 9.07.1999 йилда 769-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 4.1-банди).

Тегишинча, кемани рўйхатдан ўтказишда автотранспорт билан бўлгани сингари нотариал тасдиқланган шартномани талаб қилиш нотўғри.

Шартномадаги имзоларнинг ҳақиқийлиги хусусида қуйидагиларни



айтиш мумкин: башарти битим қонунчилик талабларига мувофиқ тузилган бўлса, ФВВ унинг қонунийлигини шубҳа остига олишга ваколатли орган ҳисобланмайди.

Битимлар эса фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ёки тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланади (ФКнинг 110-моддаси).

2967-сон Қоидаларнинг 9-бандида кичик ҳажмли кемани янги мулкдор номига қайта расмийлаштириш учун ҳужжатлар ва бунинг асослари санаб ўтилган.

Кема харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар **товар чеки, кеманинг олди-сотди, ҳадя шартномалари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалардир.**

Кўриниб турганидек, махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳам, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам кичик ҳажмли кеманинг олди-сотди (ҳадя қилиш) битимини нотариал тасдиқлашга доир мажбурий талаб белгиланмаган.

Тегишинча, рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) амалиёти

қонунчилик талаблари асосига қурилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кимнингдир манфаатлари ёки фикрларидан келиб чиқиб талқин қилмаслик лозим, зеро ўз ҳақ-ҳуқуқларини етарли даражада билмайдиган фуқаролар нотариал идораларга бориб, навбат кутишга, қўшимча харажат қилишга мажбур бўладилар.

Кичик ҳажмли кемаларни беришда сохта шартномалар тузилишига йўл қўймаслик зарур бўлганда уларни рўйхатдан ўтказувчи ваколатли орган ходимлари ҳозирлигида имзолаш амалиётини амалиётга жорий этиш мумкин.

Зеро қонун чиқарувчи ўз вақтида хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш учун имзолар намуналари қарточкаларидаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбар ходимларининг имзоларини нотариал тасдиқлаш заруратидан воз кечган. Бугун қарточкалар банк муассасаси ваколатли ходимлари ҳозирлигида имзоланади, бу тадбир-корларнинг вақти ва маблағини анча тежайди.

Реклама

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимгаржон кў., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 июль кунин Ядро физикаси институтида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар иштирокида ўтказган учрашувда юртимиз тараққиёти учун хизмат қилаётган салоҳиятли кадрларни, уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан бахтиёрман

Давлатимиз раҳбари олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари, оилавий шароити, муаммолари билан қизиқди.



Ядро физикаси институти илмий котиби Сайрамбой Игамов сўзга чиқиб, олимлар, зиёлиларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлаб, миннатдорлик билдирди. Тошкент вилояти Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасида катта рентген лаборанти лавозимида ишлаётган рафиқаси 1993 йилдан буён Ўзбекистон фуқаролигини ололмаётганини айтиб, шу масалада ёрдам беришни сўради.

С.Игамов турмуш ўртоғи билан 2 фарзандни вояга етказган. Уларнинг каттаси Турин политехника университети битириб, ҳозирда «Лукойл» компаниясида ишламоқда. Иккинчи фарзанди Тошкентдаги Инҳа университети талабаси.

Давлатимиз раҳбари илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб, С.Игамовнинг илтимоси ижобий ҳал этилишини билдирди.

Шу куннинг ўзида Президент фармони билан Тошкент шаҳар ҳоқими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиқхўжаев Н.Игамовага фуқаролик паспортини тантанали топширди.

– Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган бўлсамда, фуқаролигим йўқлиги боис кўнглим кендик эди, – дейди Наргиза Игамова. – Яқин қариндошларим Қозғистонда. Фуқаролик паспортим йўқлиги учун отам вафот этганда маъракасига қатнаша олмадим. Бу мен учун энг катта армон бўлиб қолди. Шукри, бугун фуқаролик паспортини қўлимга олдим. Ўзбекистон фуқароси бўлиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Ўзим учун Президентимиздан миннатдорман.

ЎЗА.

Мерос расмийлаштирилгандан сўнг

Мен ота-онамникида пропискадан ўтганман ва шу ерда яшайман, бироқ уйнинг эгаси йўқлиги сабабли фарзандимни пропискадан ўтказмаёттилар. Уй эгаси вафот этган, уйни эса ҳали қайта расмийлаштиришга улгурмадилар.

Ўзим пропискадан ўтган уйга фарзандимни қандай прописка қилдиришим мумкин? Паспорт столидагилар янги чиққан қарорга кўра хўжайиннинг розилигисиз прописка қилмаётганликларини айтишди. Шу тўғрисида?

Ф.Рўзиева. Тошкент ш.

– Ҳақиқатан ҳам, квартира мулкдори бўлган фуқаро ариза (3-сон шакл) бўйича прописка расмийлаштирилаётганда турар жой майдонини берувчи шахс сифатида имзо чекиб, бошқа шахсларнинг прописка қилинишига рухсат беради (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 54-банди). Шу сабабли квартиранинг янги мулкдори меросни олиши билан фарзандингиз прописка қилинишига мажбурий тартибда рухсат бериши керак.

16 ёшга тўлмаган ва ота-онаси (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшовчи болалар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари асосида улар ҳақидаги маълумотларни уй дафтари (прописка картчасига) қайд этиш орқали прописка қилинади (698-сон Йўриқноманинг 45-банди).

Эгасининг ҳуқуқи

Қариндошим отасининг уйида прописка қилинган эди. Отаси вафот этди, уйни сотиб юбордилар. Энди қариндошимнинг онаси уни ўз уйида прописка қилдирмоқчи, бироқ унинг турмуш ўртоғи бунга қаршилик қилмоқда. Онаси – уй эгаси, бироқ эрининг розилигисиз қариндошимни пропискадан ўтказмайдилар. Бундай вазиятда қандай йўл тутатиш керак?

Азимбоев. Тошкент ш.

– Уй-жой мулкдори, турар жой майдони ҳажмидан қатъи назар, оила аъзолари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек белгиланган тартибда берилган Ўзбекистон ҳудудига яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни прописка қилишга ҳақли (698-сон Йўриқноманинг 54-банди).



Шу тариқа, квартира эгаси қариндошининг онаси бўлса, унинг эрининг рухсатисиз прописка қилишга ҳақли. У прописка учун қуйдаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- тегишли органлар берган турар жойнинг олди-сотиқи шартномаси ёки ордер;
- 3-сон шаклдаги ариза;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;
- ҳарбий ҳисобда туриши тўғрисидаги ҳужжатлар;
- давлат божи тўланганлиги тўғрисида қвитанция.

Фақат даъво аризасига кўра

Танишим бир оз муддатга уни пропискадан ўтказишимни илтимос қилди. Бирмунча вақт ўтгач кетиб қолди, 10 йилдан ортиқ муддатдан бери мамлакатимизга келмаётти. Кетиш олдида пропискадан ўчмади. Гап шундаки, мен ногиронман, онамнинг кўзи яхши кўрмайди, унинг учун тўловларни тўлаш малол келаяпти.

Уни қандай қилиб судсиз пропискадан чиқариш мумкин?

Роман А. Тошкент ш.

– Афсуски, суд қарорисиз танишинингизни пропискадан чиқариб бўлмайди. Фуқаролар турар жой майдонига бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш, шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суд қарорига кўра, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўровига биноан, маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги прокурор санкцияси билан пропискадан чиқарилади (698-сон Йўриқноманинг 48-банди).

Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибда амалга оширилади (Уй-жой кодексининг 54-моддаси).

Шу тариқа, ўз турар жойингизга прописка қилган танишингиз уни бедарак йўқолган шахс сифатида тан олиш тўғрисидаги даъво аризасига биноан фақат суд тартибда пропискадан чиқарилиши мумкин.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан қаришиш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш.
Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Иккисоний-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирovich ҚУРБОНБоев

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Сандмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кў., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: spb@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30.
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета нотири – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва санъатланган.
Нашр қўрилган – 186. Қўлға олиниши – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Басоси кўпчиликти билан нақд.
Буюртма 327. Адади 825. Газета 2018 йил 23 июль соат 15.00 да топширилди.